



**Умида ТЕШАБОЕВА,**  
Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори

## ЯНГИ ТИЗИМ ЁШЛАРДА МУТОЛАА МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бугунги кунда кутубхона ва китобхонликка алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айниқса, мухтарам Президентимиз томонларидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус ичида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани фикримизнинг яққол мисолидир.

Маълумки, 2006 йил 20 июндаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида” ПҚ-381-сон қарорга асосан Маданият ишлари вазирлиги кутубхоналарини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ОЎМТВнинг Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги ихтиёрига ўтказиш йўли билан ахборот-ресурс марказлари ташкил этилган.

2006 йилга қадар Маданият ишлари вазирлиги тизимидаги оммавий кутубхоналар сони 5745 тани (2005 йил 1 январь маълумоти бўйича), шундан; республика миқёсида Марказий кутубхоналар тизими (МКТ) сони 207 та, кишлоқ кутубхоналари сони эса 4735 тани ташкил этган.

Маълумки, ахборот-ресурс марказлари таълим муассасарида жойлаштирилди, аммо аҳолига хизмат кўрсатиш учун қулай шароит ва имкониятлар яратилмади.

Биринчидан, юқорида қайд этилган қарор натижасида мавжуд ахборот-кутубхона муассасалари ташкилий-ҳуқуқий шакли, аталиши, хизмат кўрсатиш фаолият доирасига кўра турли кўринишга эга бўлди. Бунинг оқибатида фақатгина ҳозирги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тасарруфига ўтказилган аввалги вилоят марказий кутубхоналари Ахборот-кутубхона маркази деб аталиб, республика, кейинчалик маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган юридик мақомга эга давлат муассасаларига айлантирилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (44), Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази (914), Халқ таълими вазирлиги (201 туман кутубхоналари ва 10 мингдан зиёд мактаб кутубхоналари) тасарруфига ўтказилган ахборот-кутубхона муассасалари таълим муассасалари таркибида бўлинма сифатида ташкил этилиб, юридик мақомга эга бўлмади. Бу эса муассасанинг асосий фаолияти ҳисобланмаганлиги ҳамда муассасанинг молиявий имкониятлари чеклангани ва бошқа омиллар туфайли кутубхонага эътибор кескин равишда пасайиб кетиши, натижада уларнинг адабиётлар билан таъминланиши, фонднинг талаб даражасида тўлдирилиши, аҳолининг эҳтиёжидан келиб чиқиб, вақтли матбуот нашрлари – газета, журналларга обуна масаласи ачинарли аҳволга келиб қолди. Шунингдек, ўқув муассасасининг ички-тартиб қоидалари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларидан келиб чиққан ҳолда, мазкур кутубхоналарда аҳолига хизмат кўрсатиш суръатлари кескин даражада тушиб кетди.

Иккинчидан, ахборот-кутубхона муассасаларининг янги

адабиётларни харид қилиш бўйича молиявий имкониятлари чекланганлиги ҳамда мавжуд нашриётлар томонидан илмий-оммабоп, бадиий адабиётларни тизимли ва етарлича нашр этилмаганлиги оқибатида ахборот-кутубхона муассасаларининг бадиий адабиётлар ва вақтли матбуот нашрлари билан тўлдирилиб бориши кескин орқага кетди.

Учинчидан, кишлоқ жойлардаги тармоқ кутубхоналари шаҳар, туман марказида жойлашган таълим муассасаси ахборот-ресурс марказига олиб келинди ва бунинг натижасида аҳолига хизмат кўрсатувчи кутубхоналар фаолияти тўхтатилди. Ваҳоланки, битта марказий кутубхонанинг ўртача 18-20 та тармоқлари мавжуд эди.

Тўртинчидан, ахборот-ресурс марказларини оптимallasштириш мақсадида штатлар, кишлоқдаги тармоқ кутубхоналар қисқартирилди.

Президентимиз шу йил 19 март куни ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этиш борасида ўтказилган видеоселектор йиғилишида илгариги кутубхоналар ўрнида ташкил этилган ахборот-ресурс марказлари ўзларига юклатилган вазифаларни бажара олмаганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Дарҳақиқат, аксарият ахборот-ресурс марказлари қоллеж ва мактаблар ичида, шу билан бирга биноларнинг 2-3-қаватида жойлашган бўлиб аҳолига хизмат кўрсатишда ноқулайликлар туғдирилган, кўплаб АРМлар интернет тармоғига уланмаган ёхуд турли сабабларга кўра фойдаланиш имконияти чекланган. АРМларнинг ахборот технологиялари базаси мутлақо эътиборсиз қолдирилган. Шунча пайт давомида улар учун миллий стандартларга жавоб берадиган бирор дастур ишлаб чиқилмади. Кутубхоналар турли вазирликларга бўйсунгани сабаб улар ўз тизимида хоҳлаган сиёсатини юритди. Ва, натижада, биз ҳам кутубхоналарни, ҳам соҳа мутахассисларини ва, энг муҳими, ҳам китобларни йўқотдик. Ачинарлиси, китобхонларимизни сарсон қилдик ва уларни кутубхоналардан узоқлаштирдик.

Шу каби йиллар давомида тўпланиб қолган масала ва муаммоларни бартараф этиш, энг муҳими илгари сурилган 5 та ташаббусдан бири – аҳоли, айниқса, ёшларни китоб ўқишга кенг жалб қилиш мақсадида жорий йил 7 июнь куни Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси аҳолисида ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди.

Қарорда Миллий кутубхона қошида 186 та туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказларини шакллантириш, шунингдек, умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида мавжуд бўлган барча ахборот-ресурс марказларини тугатиш вазифаси қўйилди. Бугунги кунгача таълимдан ташқари аҳолини кутубхоналарга қамраб олиш республика миқёсида ўртача 6-7 фоизни ташкил этган бўлса, 186 та янги АКМлар ташкил этилиши натижасида ҳудудларда биз бемалол 30 фоиз аҳоли, айниқса, таъ-

лимдан ташқари ёшларни қамраб олиш имкониятига эга бўламиз.

Қарорда аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатилишини сифат жиҳатидан янада ривожлантириш соҳасидаги асосий вазифалар аниқ белгилаб қўйилди.

Жумладан, аҳолининг ижтимоий ҳуқуқлари, яъни аҳолининг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда мунтазам таълим олиши ва мустақил равишда таълим олишига қўмаклашиш, миллий маънавий-ахлоқий қадриятларни кенг қўламда тарғиб қилиш, халқнинг маданий-тарихий меросидан баҳраманд бўлишни таъминлаш, маънавий бой ва уйғун камол топган шахснинг ижодий ўсиши учун имконият яратиш мақсадида меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш вазифаси қўйилди. Йиллар давомида ўз ҳолига ташлаб қўйилган худудларда аҳолига ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатилишини барқарор ривожлантиришга қўмаклашилади.

Биз биносиз, шароитсиз, ахборот технологияларисиз одамларни қандай китоб ўқишга қизиқтиришимиз, уларни кутубхонага жалб қилишимиз мумкин эди? Қарорда ушбу масалага аниқ тўхталиб ўтилган: ахборот-кутубхона муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан, янги бино ва иншоотларни қуриш, мавжуд биноларни реконструкция қилиш, уларни замонавий ускуналар билан таъминлаш топширилган.

2013 йилда биз бир ачинарли ҳолатни бошимиздан ўтказган эдик. Унда Олий ва ўрта махсус таълим, Молия, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликларининг қўшма имзоланган ҳужжатларига мувофиқ, биз маҳалла кутубхоналари, уларнинг фонди ва штатини баравар йўқотгандик. Эндиги Қарорнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларининг тугатилаётган ахборот-ресурс марказлари фондлари, штат бирликлари туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказларига берилади. Фонд сақлаб қолинади, ходимлар ишсиз кўчада қолмайди. 186 та туман (шаҳар) АКМларини ташкил этиш натижасида 3 534,0 та янги иш ўринлари яратилади (битта АКМга ўртача 19 штат бирлиги), уларнинг бир йиллик сақлаб туриш харажатлари 100,0 млрд. сўмни ташкил этиши режалаштирилган.

Янги ташкил этилаётган туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказлари Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги мактаблар қошида фаолият юритаётган туман ахборот-ресурс марказлари негизида ташкил қилиниши белгиланган. Бу тўғри ечим бўлди, чунки туман ахборот-ресурс марказларида китобхонлар учун замон талабига мос равишда хизмат кўрсатиш йўлга қўйилмаганди, хусусан, кутубхоналар фаолияти автоматлаштирилмаган, янги хизмат турлари, яъни масофадан хизмат кўрсатиш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини юксалтиришга қаратилган тадбирлар (китобларни QR-кодлар ёрдамида тарғиб қилиш, электрон ресурслар базасини яратиш ва бошқ.) ташкил қилинмаган. Битта туман ахборот-ресурс марказида 7-9 тагача кутубхоначи меҳнат қилади. Йилига мингта китоб олса, газета ва журналлар обунаси йўқ, компьютер ва Интернет тармоғи йўқ, кутубхоначиликнинг асосий ишлари махсус дастурий таъминотда олиб борилмайди, ўз-ўзидан кутубхоналарнинг электрон каталоглари тузилмайди, фонддаги адабиётларни электрон шаклга ўтказиш ишлари йўқ. Шундан келиб чиқиб, ажратилган кутубхоначи штатларидан самарали фойланилмайди.

Қарорда яна бир муҳим янгилик, кутубхона соҳасида давлат-хусусий ҳамкорлигини, хусусий ва электрон (виртуал) кутубхоналар тармоғини ривожлантиришга эътибор қаратилганидир. Кутубхоналарнинг бюджетдан ташқари маблағ ишлаб топишни кенгайтириш ва хусусий шерикчилик асосида янги хизмат турларини жорий этиш натижасида кутубхоналар фондини бойитиш, ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, моддий техник базасини мустаҳкамлаш имконияти яратилди.

Айниқса, электрон китобларни тарқатиш билан шуғулланувчи интернет-ресурслар билан ҳамкорликни кенгайтириш орқали ҳам қўллаб-қувватлаш ижодий натижаларга эришишимиз мумкин. Фақат эндиликда бу борадаги ҳамкорликни қўллаб-қувватловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиб, қабул қилишимиз лозим бўлади.

Шунингдек, аҳолига ахборот-кутубхона хизматларини кўрсатиш бўйича масофавий хизматларни ривожлантириш ва модернизация қилишнинг белгиланлиги бизнинг хизмат кўрсатиш тармоғимизни анчагина кенгайтириш ва китобхонлар қамровини оширишга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

21 май “Кутубхончилар куни” деб белгилангани, ушбу кунда кутубхоначиларнинг кўп йиллик ҳалол меҳнати ва ахборот-кутубхоначилик соҳасини ривожлантиришга қўшган хиссаси учун давлат мукофотлари билан тақдирланиши ва рағбатлантирилиши кўзда тутилганлиги соҳамизга Президентимиз томонидан кўрсатилган жуда катта ғамхўрлик рамзидир.

Биз учун йиллар давомида долзарб бўлиб келаётган яна бир муаммо бу кадрлар масаласидир.

Соҳа мутахассисларини етказиб беришда кадрларнинг на сифатига эътибор берилди, на эҳтиёжга қараб тайёрланди. Натижада мамлакатимиздаги 11 мингдан зиёд кутубхоналарнинг кадрлар билан таъминлаш ҳолати, аччиқ бўлса ҳам айтиш керак, ачинарли аҳволга тушиб қолди.

Мисол тариқасида Фарғона вилоятидаги ахборот-кутубхона муассасаларининг кутубхоначи кадрларга эҳтиёжини олайлик.

Бугунги кунда вилоятдаги ахборот-кутубхона муассасаларида жами 2300 нафардан зиёд ходимлар ишлаётган бўлса, уларнинг 408 нафари, яъни 18 фоизини олий маълумотли, шундан, 160 нафари соҳа мутахассислиги, яъни 7 фоизини олий маълумотли кутубхонашунослар ташкил этади. 1857 нафар ўрта махсус маълумотга эга бўлган ходимларнинг 754 нафари, яъни 33 фоизи ўрта махсус маълумотли кутубхоначилардир. Мутахассисларнинг ўртача ёши эса 42 ёшни ташкил этади.

Ҳар йили вилоят ахборот-кутубхона марказлари томонидан эҳтиёж бўйича мурожаатлар қилинаверди, лекин уни биров эшитмади.

Қарорда ушбу муаммога ҳам аниқ ечим кўрсатиб берилди. Тегишли вазирликлар билан биргаликда, Республика миқёсида кадрларга бўлган эҳтиёжни ўрганиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига “Кутубхона ва ахборот фаолияти” йўналишида керакли бакалавр, магистратура таълим тизими бўйича кадрларга зарур талаб тақдим этилади.

Бир сўз билан айтганда, кутубхоначилик соҳасидаги янги тизим – аҳоли, айниқса, ёшларда мутолаа маданиятини юксалтиришга, кишиларни китобхонликка кенг жалб этишга хизмат қилади.